

Кр. чамата

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

○ Маълумки, бухоронлик йўлсозлар республикада биринчи бўлиб хориждаги фирмалар билан алоқа боғлашган эди. Уларнинг Швеция йўлсозлик хусусий фирмалари билан алоқалари ҳам яхши натижалар келтиришдан далолат бермоқда. Буни Бухорога Г. Данилов бошчилигида таширф буюрган бир гуруҳ швед йўлсозлари билан олиб борилган мулоқотлар ҳам кўрсатди. Швециялик йўлсозлар ўз ҳамкасблари хузурида тажрибалари ва янги технологиядан қандай фойдаланиш тўғрисида маълумотлар ўқиди.

○ Фарғонада туркича таълим бўйича эркакларнинг хусусий лицейи ўз эшикларини очди. Ешлар бу ерда бешинчи синфни тугаллаганларидан сўнг таълимни давом эттирилади. Фарғонадаги 80-қурилиш трести бунёдкорлари қисқа муддат ичиде лицей учун ажойиб бино қуриб бердилар. Туркиядан келган муаллимлар ўтказган тест синаовидан сўнг 100 бола ўқини давом эттириш бахтига муяссар бўлди.

○ Марғилон шаҳридаги Увайсий маҳалласида яшовчи ўқитувчи Аҳмадjon Ҳасанов оиласининг бағри тўлди. Гап шундаки, оила аъзолари олти йилдан бери армияга чақирилган ва афрон урушида яраланиб асирликка тушган ўғиллари Ғайратни интизорлик билан кутишарди. Улар ўз фарзандлари қисмати хусусида турли жойларга мурожаат қилишди, лекин бу натижа бермади. Мана нихоят Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқаро раҳм-шафқат ташкилотлари бу оилга қувонч келтирди: Ғайрат ўзининг қадрдон уйига, ота-онаси бағрига қайтди.

○ Андижон IV Халқаро ёшлар фестивалига Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон вилоятларидан таширф буюрган меҳмонларни кутиб олди. Андижон вилоятининг Озунбобоев шаҳрида икки кун мобайнида фестиваль байроқлари қилдирилади. Фестиваль қатнашчилари катта концерт қўйиб бердилар. Жалолқудуқ районидеги санъат қорхоналари ва ўқувчиларнинг меҳнаткашлари билан учрашдилар.

○ Назойиқликлар ўз шаҳарларининг 34 йиллигини байрам қилдилар. Навоий шаҳар ҳокимининг чиқарган махсус фармойишга биноан бундан буён ҳар йили «Шаҳар кўни» нишонланадиган бўлди.

○ Тошкентдаги 59-мактаб ўқувчиларининг хитой тилини мукаммал ўрганшиларида Хитой Халқ Республикасининг Шижин-Уйгур мухтор райони муаллимлари соғва қилган компьютернинг хизмати катта бўлади. Бинобарин ушбу мактабнинг Хитойдаги дўстлари-кўп. Мактаб Хитойнинг 14 та гимназияси билан мунтазам алоқа боғлаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси—умумхалқ муҳоқамасида


ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши Биносининг катта мажлислар залида Тошкент шаҳри ва вилояти бошланғич партия ташкилотлари котиблари ва партия фаолларининг Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасининг муҳоқамасига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашнинг Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Хотам Абдураимов олиб борди. Янги Конституция лойиҳасининг муҳоқамаси бўйича Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг котиби, ҳуқуқшунослик фаълари доктори, фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори Акмал Саидов сўзлади. У Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этган ҳуқуқшунос олим сифатида лойиҳани чуқур таҳлил қилди. Маълумотига Конституция лойиҳаси билан боғлиқ бўлган турли-туман саволлар берилди. Олим тушган саволларга ҳам мутахассис сифатида етарлича жавоб қайтарди.

Семинар-кенгаш сўнгиде Хотам Абдураимов йиғилганларга қарата шундай деди: — Биз ҳозиргина янги Конституция лойиҳасининг таҳлилин олишимиз керак.

Мухадди Бозоров.



Ушбу суратда тасвирланган Рустам натида умули ишлаётган фидойилардан Эминов Ўзбекистон қоғоз ижара комби-бирдир. Андрей Пинненко сурати.

ҲАМДУСТЛИКДА

○ Россия Федерацияси Олий Кенгашининг кечаги мажлисида Россия Президенти Борис Ельцин сўзга чиқди. У мамлакатдаги вазиятга тўхталди, парламента, ислохотлар йўлида кучларни бирлаштириш даъвати билан мурожаат қилди.

○ 6 октябрь эрталаб Абхазия кучлари ҳужум қилдилар ва жанглар натижасида Гудуату ва Леселидзе кириб ўрдилар. Абхаз отрядлари ҳам Россия чегаралари томон чиқдилар. Томонларнинг қанча кучни йўқотганиликлари хусусидаги маълумотлар ҳозирча аниқ эмас.

○ Арманистон мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан республика парламенти афс эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

○ Саратов шаҳридаги кўча таксофонларидан истаганча кўнгирак қилиш мумкин. Бунинг учун 15 тийинлик танга ҳам талаб қилинмайди. Алоқачилар бундай чорлага мажбур бўлганликларидан рози бўдилар. Гап шундаки, шаҳарда ўн беш тийинлик тангалар анқонинг уругига айланди. Ана шу моддий йўқотишларни қоплаш эвазига алоқа бошқармаси хонадонлардаги телефонлар учун тўланадиган ҳақни ойига 60 сўмга қадар оширишга қарор қилди.

○ Беларусь ҳукумати Давлат замини тўғрисида қарор қабул қилди. 1993 йилнинг 1 июлидан бошлаб ҳар бири 50, 100 ва 200 сўмлик қийматидаги 490 миллион сўмлик ҳажмдаги облигациялар чиқариладиган бўлди.

ХОРИЖДА

○ Кеча чоғида Давлат мажлиси залида урушдан кейинги биринчи Эстония Республикасининг Президенти, 63 ёшли Ёзувчи Леннерт Мери тантанали равишда қасамд қилдирилди. У ана шу лезовига сайланганига қадар Эстониянинг Финляндиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси бўлиб ишлаган эди.

○ Турли мамлакатларнинг халқаро ёрдамга муҳтож бўлган қочқорларнинг умумий сони 18 миллион кишидан ошиб кетди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қочқорлар иши бўйича олий комиссари Садако Огата олий бошқарува комиссари жиғроа комитетининг 43-сессиясида сўзга чиқиб, ана шу фактни келтирди.

○ Ҳиндистонда учувчилар тайёрлайдиган ҳарбий билан юрларига, аёлларни қабул этиш эълон қилинди. Дастлаб улар ИЛ-76 транспорт самолётлари ва вертолётлар штурвалига ўтирадилар. Яхшиларнинг энг яхшиси эса кейинчалик замонавий қирувчи самолётларни бошқарадилар.

○ Софидан олинган хабарларга кўра Украина ва Болгария икки мамлакат ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Ана шу шартномада кўзда тутилмиша Украина собиқ Совет Иттифонининг бир миллиардлик қарзидан ўзига тегишли бўлган 16 фозини тўлайди.

ҚАЙТАДАН ЯНГИЛАНДИ

БУГУНГИ кунда ҳар бир йирик санъат қорхонасида ҳисоб-китоб ишлари «ақд»-ли машиналар зиммасига юклатилмоқда. Урта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Интерфлекс» кичик қорхонаси ҳам ўзичилик жараёнини компьютерлар орқали бошқаришни кўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди.

Шу мақсадда қорхонадаги барча дех ва бўлимлар компьютерлаштиришга киришилди. Айни бир вақтда қорхонадаги калкуляторлар парк қайтадан бутунлай янгиланди.

Эндиликда қорхона ҳисобдонлари тўққиз хил рақамли ҳисоб-китоб ишлари билан ҳам шуғулланимоқдалар. Бу жараёни зарур қурилмалар орқали бошқариш тадбирлари ҳам қўйиб қўйилди. Бунда Москвадаги «Электронрибор» заводи билан яқин ҳамкорлик қўл келмоқда. Бу завод яқин ордада кичик қорхонага ҳисоблаш техникасида бир нечтасини етказиб беради.

Ақбар АЛИЕВ.

* Обуна—93

МАВЗЕДАГИ МУХЛИСЛАР

ҲОЗИРГИ қийин иқтисодий шароитга қарамай «Оқшом»нинг дўстлари қўлайиб бораётгани кишини қувонтиради. Пойтахтимизнинг Ибн Сино мавзеида яшовчи Шарофиддин Тўлаганов умр йўлдоши Райхона билан масаладлаштириб, газетга бир йилга обуна бўлишди.

— «Тошкент оқшом» газетасида ўқинишли мақолада ёритилапти — деди Ш. Тўлаганов биз билан суҳбатда. — Ҳам 2-Тошкент Давлат тебиёт институтининг тарих, маданиятшунослик ва тебиёт тарихи кафедрасида ўқитувчи бўлиб

ишлайман. Қасб тақозосидани, менга кўпроқ тарихга оид материаллар маълум бўлади. Масалан, Тошкент тарихи янгида талқин қилиниб, туркум мақоладар бериб борилаётгани кўпчиликда катта қизиқини уйғотганлиги, деб ўйлайман. Хоризмдаги ўзбеклар ҳаёти ҳам кенг ёритиб борилапти. Рафқанам кўпроқ «Одобиюма» саҳифаси, шунингдек қайнона-желни муносабатлари, оилавий масалалар акс эттирилган мақодаларни севиб мутолаа қилади.


Шавкат САЪДИЕВ.

«Тошкент ОҚШОМИ»га обуна ДАВОМ ЭТМОҚДА

Яна бир бор эслатиб ўтаман: ○ Бир йиллик обуна нархи — 310 сўм. ○ Олти ойга — 235 сўм. ○ Уч ойга — 127 сўм 50 тийин.

«Тошкент оқшом» Ўзбекистонда атиги уч-тўрт маҳирлар қаторида ҳафтасига беш мартадан чиқадиган гаветга эканлигини унутманг!

ҚАДАМИНГИЗГА ҲАСАНОТ, АЗИЗ САНЪАТКОРЛАР!



○ Мустақил Республикада пойтахтда савлат тўқиб турган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ҳар гапидек бу сафар ҳам халқаро киноанжуман меҳмонларининг бош қароргоҳи бўлади. Рустам Шарипов сурати.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ XI ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА!

Азиз дўстлар! Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг анъанавий XI халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчиларини самимий муборакбод этади.

Сизларни қадимий ва ҳамиша навиқрон Тошкент янги бир мазмунида — мустақил давлат пойтахти сифатида кўтиб олаётгани.

Дунё халқларига тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик ҳаммиша ҳаво кеби жуда зарур. Тошкент кинофестивали дунё халқлари ўртасидаги дўстлик, меҳр-оқибат, имон, ҳалоллик, миллатлар ақиллиги кеби буюк анъаналарнинг қанот ёзишида ўзига муносиб алоҳида ўрин тутади.

3 Серкўйш Ўзбекистон янги орау-умидлар билан олға қадам

«САЛОМ, ФЕСТИВАЛЬ»

Шу кунларда Мустақил республикамизнинг пойтахтида катта тантана руҳи кезмоқда. Янги бир неча йилдан буён тўхтатилган кинофестиваль эртага яна ўз ишини бошлайди. 7 кун давом этадиган бу фестивални сўзсиз ҳамма орақиб кутмоқда. Лекин ҳозирги доллар баянда ҳаммининг ҳам кутмоқда. Лекин ҳозирги доллар баянда ҳаммининг ҳам кутмоқда. Лекин ҳозирги доллар баянда ҳаммининг ҳам кутмоқда.

Шунинг учун биз фестивалга деб «Салом, фестиваль» деб бошланадиган биринчи кўрсатилди.

— Ҳар бир иш қилинишдан лар экан. Шунинг учун биз фестивалга деб «Салом, фестиваль» деб бошланадиган биринчи кўрсатилди.

Гул АБДУЛЛАЕВА.

КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТИШИ УЧУН

ШУ КУНЛАРДА пойтахтимиз ҳар доимгидан ҳам гўзалроқ ва жозибали тус олган, аҳолининг эса руҳи кўтаринки, тантанавор. Бўлмасамчи, эртага халқларини бир-бирига яқинлаштирадиган, руҳан ва жисман боғлашда мисли олтин кўприк вазифасини ўтайдиган улуг байрам — Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI Тошкент халқаро фестивали ўз ишини бошлайди.

Фестивалнинг «юраги» ҳисобланмиш Навоий кўчаси, 30-уйда жойлашган анжуман дирекциясида айниқса иш жуда қизғин. Бу ерда кишиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Турли хизматларнинг фаолияти муҳоқам қилинади, телефон қўнғироқларининг эса кеги узилмади, телеклар охириги янгиликларини етказиб турибди.

Фестиваль дастури эса тузиб бўлинди. Халқлар дўстлигини Саройида 8 октябрь кечки пайт 4 йилдан бери орақиб кутилган халқаро кино санъати байрамининг очилиш тантаналари бўлади. 9 октябрдан бошлаб эса Киночарни уйда кинофильмларнинг танлов намойиши бошланади. Бир вақтинг ўзида шаҳримиздаги энг ҳашаматли ўрта кинотеатрда анжуманга таширф буюрган 40 га яқин мамлакатнинг фильмлари кино мухлислари эътиборига ҳавола қилина бошлайди. Қувонарли томони шундаки, ушбу кинотеатрларда танловдан ташқари жаҳоннинг етакчи кино усталари жамлаган Шимолий Америка ва Европа мамлакатларининг фильмларидан ҳам баҳраманд бўлиш мумкин. Яъни, анжуманда жами 5 китъа вақиллари ўзларининг миллий санъатларини намойиш этадилар.

Ушбу бетакрор анжуман ўзининг яна шу томони билан ҳарактерлики, унга турли мамлакатлардан таширф буюрган энеллар санъат, маданият орқали бир-бирлари билан мулоқоғда бўладилар, диллар дилларга пайваста бўлади. Ажаб эмаски, анжуман пайтидаги шундай учрашувлар давомида жаҳон кино санъатининг дурдоналари сафидан ўрин оладиган фильмлар яратиш режалари тугилса...

Албатта, ҳар бир йирик халқаро тадбир маданий дастурис ўтмайди. Бу борда ҳам маълум режалар белгилаб қўйилган. Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари бир ҳафта давомида пойтахтимизнинг театрлари, концерт заллари, циркига таширф буюрадилар. Ўзбекистон Давлат санъат музейидан ўрин олган графика, рангтасвир ва ҳайкалтарошлиқнинг ноёб намуналари билан танишадилар, халқ амали-маънаварли санъати музейида эса Ўрта Осиёнинг қадимий нафис санъати намуналари ва замонавий усталарнинг ўзига хос ишларини мароқ билан томоша қиладилар. Бундан ташқари меҳмонларимиз қадимий ва ҳамина навиқрон, тимсоли йўқ тарихий обидаларга бой Самарқанд шаҳрига ҳам таширф этадилар.

Биз илгариларда Москвага ўтказиладиган халқаро фестивалларда анжуман доирасида жаҳон кино санъатининг энг буюк намуналари билан бўлиши Ф. Феллинги, Ч. Чаплин кеби санъаткорлар фильмларининг қайта намойишлари таъкил этилган. Уларни томоша қилган мутахассислар ва кино мухлисларининг нақадар янрағиларининг ҳавас билан кутулар. «Қани энди Тошкентдаги фестивалларда ҳам шундай тадбирлар ўтказилса», деган ширин орзуларга бериларди. Бу гал санъат илҳомчиларининг ушбу орауларини ҳам рўёбга чиқадиган бўлди. Ҳинд ва жаҳон киноси тарихидаги энг буюк сиймолардан бири, иқтидорли режиссер ва актёр Раж Капур ижодини халқимиз нақадар эъзозлаши, севишини ҳисобга олиб, Капур фильмларининг қайта намойиши ўтказилди. «Нодирабегим» кинотеатрида улкан киносанъаткор ижодига мансуб санқиз фильм ўз мухлисларини кутди. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, улар орасидан илгарий Ўзбек томошабинларига таниш бўлган бир неча ланта ҳам бор. Фестивалдан сўнг ушбу ленталар Ўзбекистондаги вилоятлар, ҳатто Ўрта Осиё ва Қозғистоннинг айрим жойларига ҳам намойиш этилади.

Улкан халқаро анжуман бош ҳомийси маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси эса бозор иқтисодийнинг маълум қийинчиликларида қарамай халқаро фестивалнинг кўтаринки ва байрамона руҳда ўтиши учун барча чора-тадбирларини кўриб қўйган.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

○ Меҳмондўст ўзбек дёрири, саховатли халқимиз Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивалининг азиз меҳмонларини очик чеҳра билан «Қадамларингизга ҳасанот, азиз санъаткорлар!» деб кутиб олмақда. «Тошкент оқшом»нинг бугунги бутти махсус сонидан ўрин олган ўч китъа киностудияларнинг ишлари, ажойиб санъаткорлар яратган образлар, Тошкент заминидеги унутилмас учрашувлар тўғрисида кино қилувчи мақолалар ва суратли лавҳалар «Оқшом»нинг азиз муштарийлари диққатига ҳавола этилмоқда.

Касби корим — ифтихорим

ЧИЗМАЛАРДАГИ ЎЙЛАР



ОДДИЙ бўлиш — буюк бўлиш деганининг ўзи эмасмикин! Уша оддийлик, камтарлик ва бошиқлик инсоний фазилатлар онанинг покиза сийнасидаги оппоқ суг орқали бола вужудига сингади.

Дарвоқе, Аҳаджон Ёқубжон ўғли Мирзо Улуғбек районидagi 99-ўрта мактабни 1968 йили энг яхши баҳолар билан тугатдию, тўғридан-тўғри Тошкент политехника институтининг «Автомобиль ва тракторлар» факультетига ҳужжат топширди.

Бўладиган боланинг бошидан маълум, деганлари рост экан. Аҳаджон Ҳакимжонов сурати толибларнинг ҳурмат тахтисининг энг юқорисидан жой олди, энг олий стипендия олиб ўқиди. Мана 1972 йил Аҳаджон автомобиль ва тракторлар мутахассислиги бўйича имтиҳон дипломига тугатди, уни ректор қақириб, институтда аспирантурада олиб қолмоқчи бўлди.

Ректор қаршида турган ўрта бўйли, қорачадан келган кенг пешонали, куюк қошли йигит ўткир нигоҳида тикилиб, йимниброк: — Мен аспирантурада қолмайман. Илтимос, мени Тошкент трактор заводида юборишингизни сўрай-

ман Менинг эзгу орзумим шу, деди. Аҳаджонни 5 йил ўқитиб билган домллари бир-бирларига қарашиб, бошларини сарак-сарак қилишди. Бунинг сабаби бор эди. Аҳаджон жамоа ҳужалигида ишлаётган қариндошлариникида бўлганида кафтадай, кўзларни қувонтирадиган эрта баҳор-у, кеч кузда дала бағрини чағ қотиб, трактор ҳайдаётган тракторчиларни кўриб, хаёл денгизига фарқ бўлганди. Дефолантинги ютиб, бағрини тушираётганларни кўриб, ўйлаб ўйига етолмасди. Ахир қанчаси ёруғ дунёдан кўз юммади дейсиз!

Нахотки кабиниси машинаникига ўхшаган трактор иختиро қилиш мумкин эмас! Тоқайтача чағ қотиб ишлаш, кеч кузда совуқ қотиб ёр бағрини ёриш... каби ўйлар Аҳаджон хаёлини куз бўлунда қоплаб олганди. Баъзан узок тунлар мижага қоқмай, иختиро — янги кашфиётлар тиним бермасди. Аҳаджон қўлига калам олиб, алланималарни чизар, ёзарди.

Ҳа, ана шундай орзулар оғушдаги ширин хаёлар қанотида Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бirlашмаси иختирочиларининг ҳар йилги фойда келтираётган уммонида, 40—50 талаб кашфиётлар қилётганлар орасида Аҳаджон Ҳакимжоновнинг

таклифлари, кашфиётлари, иختиролари бекум-кўст амалда қўлланилди. Ташқи кўриниши чиройли, кўрама, ички жиҳози жозибали, кабиниси ҳар қандай энгил машина билан рақобатлаша оладиган тракторларни, ўйлаб прицепларни яратишга салмоқли ҳисса қўшдики, уни таърифлашга эҳсос қўшдики, Ахир, иختирочиларни янги модели тракторларнинг кабиниси герметизациялашган, қишда иситиладиган, ёзда вентиляция ўрнатилгани, ўриндиғи юмшоқлиғи, 90 сантиметр оралиқда ишлаш билан ажралиб туради. Қандай чиройли.

Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бirlашмасида ўз умрининг асосий қисмини завод раванки, шон-шухратига ҳисса қўшган, қўшаётган Маҳмаджон Турповага ўхшаган фидойилар билан ёна-ён, ҳамфирма Аҳаджонлар иختиро қилган кашфиётлари, қимматли таклифлари заминиде дунёга келган тўша олтин, қадок қўллабда ярилган тирикмаю, тракторлар бугун дунёнинг 45 мамлакатларига, шу жумладан, Жазоир, Ангولا, Булғария, Вьетнам, Эрон, Миср, Ироқ, Лаос, Куба, Мозамбик, Мўғлистоннинг давалариде жалован уриб ишлаб, завод шухратига шухрат келтирмоқда.

Аҳаджон — баркамол инсон. Мен ундан:

— Аҳаджон, ҳаммаси бўлиб нечта кашфиёт, нечта янгилик таклифлари киритгансиз? — десам у майин тибассум-ла:

— Унчалик кўп эмас, — дейди бегубор ҳечарасиде мунаварлик пайдо бўлар экан.

Аҳаджон Ҳакимжонов ҳозир ишлаб чиқариш бirlашмаси бош конструкторининг ўринбосари. Унинг хизмат хонасида иккидй режаларнинг гувоҳи бўлдим.

Аҳаджон Ёқубжон ўғли Ҳакимжонов ажи қирчиллама ёшида, ижод чўқисиде, Унинг бarchа ютуқлари эришувиде чуқур билими, ўчанлиғи, донолиқ кўралишида бўлган, иқтидорли муҳандис, ижодкор бўлганини кўл келди. Яқинда унга Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган сановат ходими» фахрий унвони берилди.

Ширин ўйлар — уфқ каби чегарасиз. Аҳаджоннинг ҳар бир ўзи чизмаларда, бу ўйлар ўз ифодисини топтоқда, Унинг олимона тафаккурининг меваси ўларок ҳали янги тракторларнинг янги турлари шу кичик ижодхонасида дунёга келса ажаб эмас.

Турсун АЗЛАРХОНОВ.

СУРАТДА: Аҳаджон Ҳакимжонов ҳаммасилари даврасида.

Меҳнат жамоаларида КУНИГА ҚИРҚ ТОННА

ЎТГАН йил апрель ойида шахримиздаги махсус агроқурилиш бirlашмаси ҳудудига қишлоқ корхона ташкил қилинган эди. 20 кишидан иборат бўлган бу корхона ҳозирги кунда бир кечаю-кундузда 40 тоннагача совуқ ишлаб чиқармоқда.

Ушбу корхона олдин махсус қурилиш-тиклаш ишлари бошқармаси ҳисобланарди. 1990 йил 1 декабрдан бошлаб корхонани ишчилар ўзларининг ҳисобига ўтказилди. Ўшбу корхона 550 минг сўм пул тўлаиб, хусусийлаштирилди. Унинг аъзолари асосан ишчи ва хизматчилардан ташкил топган бўлиб, корхонанинг ҳамма жиҳозлари, асбоб-ускуналари жамоа мулки ҳисобиде ишлатилади. Ишлаб чиқаришдан олинётган фойда, шунингдек бошқа турдаги иш фаолияти бўйича келтириладиган соф фойдалан тартиб топган маблағнинг ҳаммаси ишчи-хизматчилар иштири билан ишлатилади. Ундан албатта келажакдаги ўзлаштириш, ривожланишлар, корхонанинг кенгайиши, шу йўлда тутилётган режалар учун акратиладиган пул миқдори ҳам четда қолмайди.

Агарда корхонанинг асосий иш фаолияти усунда тўхталиб ўтдиган бўлса, у совуқ ишлаб чиқаришдан ташқари бошқа комплекс ишлари ҳам олиб боради. Яъни таъмирлаш-тиклаш, лойҳалаштириш, дастурини тузиш, ҳамда ташкилотлар аҳоли учун автотранспорт хизмати бўйича ёрдам кўрсатиш ишларини олиб боришади. Фурсатдан фойдаланиб транспорт хизмати таъмирлаш учун эслатиб ўтамиз. Бу корхонада транспорт хизмати учун олиндиған ҳақ бошқаларга нисбатан арзонроқ.

Ленин бarchа жойлардаги каби юқоридеги корхонада ҳам ўзига хос қийинчиликлар мавжуд. Шулардан бири корхона учун хом ашё маҳсулотларини топиш масаласи. У ҳозирги кун тартибиде қўдаланг бўлиб турибди. Шунинг учун корхона шахсий буюртмаларининг ҳаммасини ҳам банжара олмапти. Бунга сабаб қурилиш материаллари и и н г етишмаслиғидир. Бундан ташқари охириги пайтларда корхона ишчилари томонидан банжарилган ишлар бўйича миқозларнинг пул ўтказиши тобора қийинлашиб борапти.

Корхонада мавжуд шу муаммоларга қарамастан ишчи ва хизматчилар айни пайтда хусусийлаштириш шарофати билан қўлиқўлга бериб ишламоқда. Улар ўзларини корхонанинг тўлақонли ҳўжайини сифатида ҳар бир ижтимоидан усталик билан фойдаланиб, иш юритишмоқда.

Султамурод УМАРОВ.

ҚАДАМИНГИЗГА ҲАСАНОТ, АЗИЗ САНЪАТКОРЛАР!

БАРҲАЁТ АНЪАНАЛАР

ЯПОНИЯДАГИ машҳур Кабуки театри ҳақида эшитмаган санъат ижтимоидлари бўлмас керак. Қарангки, асрлар оша шаклланиб, япон ҳаётининг ажралмас қисмига айланган Кабуки театри Япония киносининг вужудга келиши учун замин ҳозирлади. 1889 йили илк бор Кабуки театри спектаклларининг суратга олиниши япон киносининг тугилган кўни сифатида тарих қатларидан жой олди. Умуман, дастлабки япон фильмларини асосан самурайлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиши билан ҳаракатланиш мумкин.

Илк даврларда япон киносининг ўзига хос хусусиятидан бири шунда эдики, худди ўзбек театрининг қалдирғоч даврларидаги каби унда аёллар ролини эриқлар иро этарди. Бироқ йирик пландеги эпизодларнинг суратга олиниши билан, 20-йилларга келиб ушбу анъана барҳам топди. 1912 йили эса биринчи япон кинокомпанияси «Никакка» ташкил этилди.

Японияда ишланаётган фильмларнинг тарихий ва замонавий мавзуларда бўлиши натижасида Киото ва Токио шаҳарларида икки мустақил студия вужудга келди. Қадимий эҳромлар ва турли хил ёдгорликларга бой Киото шаҳрида япон тарихига оид ленталарни ҳеч қандай павильонларни қурмасдан ҳам суратга олиш мумкин бўлса, Токиодо янги давр ҳаётини ўзда акс эттирган фильмлар яратила бошланди. 1923 йили эса иккинчи япон кинокомпанияси — «Сейтсу» ўз фаолиятини бошлади. Бу вақтга келиб Америка киносида вестерн жанри гуллаб бошлаганди. Ундан илҳомланган япон режиссёрлари вестерн жанрини кунчиқар мамлакат ҳаётига мослаштиришди: унда чарм камзул, шим кийиб, ҳамма ёғида қурол-ароғ таққан от устидеги қўбгойларнинг жанги эмас, балки моҳир япон қилчиболарининг беллашувлари тасвирланар, асосий қаҳрамонлар, софдил, ҳақиқатлар самурайларнинг яқудзаларга қарши курашлари фильмларнинг асосий сюжетини ташкил этмади.

30-йилларга келиб Японияда сиёсий ҳаёт кескин тус олиб, мамлакатни харбийлаштириш бошланди. 1935 йилда «Буюк Япония киносоциацияси» ташкил этилди ва у ўз олдига Буюк Япон империяси миллий сиватини ҳаёта таъдиқ қилиш вазифасини қўяди. Шундай қилиб Японияда тарқаткиларвин киножодкорлар қувинга учрай бошладилар.

Ш жаҳон уруши бошланган, Япония ҳўкмати бarchа хоржий мамлакатларнинг фильмларини таъқиқлаб қўйди. Япон иттифоқчилари бўлган Германия ленталари бундан мустасно эди, албатта. Бу пайтда ишлаб чиқарилган фильмлар асосан буюк давлатчиларини улуғлайдиган ҳарбий мавзуга оид эди.

Урушдан сўнг японларни енгган американиклар Хиросима ва Нагасаки шаҳарла-

рига атом ҳўжумининг асоратлари фильмлардан ўрин олмаслиғи учун кўп ўринишлар қилдилар. Фақатгина 1952 йили, улар япон ерини тарқ этгач бу мавзу аста-секин очила бошлади. 1953 йили кенг оммага намойиш этилган «Атом бомбасининг болалари», шу йили ишланган «Хиросима» киноленталарида атом бомбасининг японлар бошига қандай қуфатлар солганлиғи рўй-рост тасвирланади.

Умуман, 50-йиллардан япон кинематографияси том маънода буюк ўйғониш даврини бошидан кечирди. Бу вақтда мамлакатда 5 та йирик кино корпорациялари бўлиб уларда ишқ-муҳаббат ҳақидаги фильмлар, комедиялар, айниқса қарат ўсталари ва ганстерлар ҳақида ҳикоя қилувчи саргузашт ленталар кўплаб ишлаб чиқарила бошланди.

1950 йилда экранларга чиққан режиссёр А. Куросаванинг «Расёмон» фильми япон киносида туб бурилиш ясади. 1951 йили Венеция кинофестивалининг бош соврнини олган ушбу лентада миллий анъаналар ва замонавий ҳаёт тасвири ўзаро уйланишиб кетганди. Ушбу лентадан илҳомланган Акира Куросава келгусида 30 дан ортиқ фильм яратди. Уларнинг кўплари халқаро кинофестивалларнинг энг яхши асарлари сифидан ўрин олган бўлса, унинг «Расёмон», «Этти Самурай» ва «Дерсу Узала» ленталари эса ўз вақтида кино оламидаги энг машҳур «Оскар» соврлилари билан тақдирланган эди. Бинобарин Куросава XX асрнинг Раж Капур, Чарльз Спенсер Чаплин, Орсон Уэллс, Стенли Кубрик каби буюк киножодкорлари қаторидан ўрин олган.

Режиссёр Сээй Имамура томонидан 1983 йили суратга олинган «Нараяма ҳақида афсона» фильмининг ҳам япон кинематографиясидаги шох асарлардан бири сифатида тилга олиш мумкин. Унда тоғдаги бир қишлоқнинг ҳаёт тарзи тасвирланган бўлиб, бу ерде турмуш кечириб иқоётда оғир, озик-овқатнинг танқислиғи тўғрисида қариб кундан қолган мўйсифиларни Нараяма тоғининг чўқисига олиб бориб ташлашдек аянчи ва ваҳшини анъана ҳўкму суради. Чўқиде эса оқиш ўлжани кутган тоғ бургутлари, қузуларини гужон ўйнайди. Энг даҳшатлиси, янги тугилган гўдакни ҳам умрининг охирида шундай қисмет кутади. Умрининг қай тарзда тугашини билиб аяшининг қандай даҳшат эканлигини бир тасаввур қилиб кўринг-...

Кейинги пайтлардаги япон киносини «Годзилла», «Кинг-конг» типидеги, космик мавжудотлар ва динозаврлар ҳақидаги фантастик фильмлар босиб кетганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бироқ улар умумий япон киносининг қиёфасини белгилай олмайди. Акира Куросава, Канзо Синода, Нагаса Осима, Сацуо Ямамото, Кон Итикава, Сээй Имамура каби япон режиссёрлари ўзларининг ҳаққоний, ҳаётининг турли қирралари очид-ойдин тасвир этилган фильмлари билан кунчиқар мамлакатга катта шароф ва обрў келтирдилар. Бундай фильмларнинг кўпчилиги Тошкентда ўтказилган халқаро кинофестивалларда ҳам намойиш этилди. Бу галги халқаро анжуман ҳам бундан истисно эмас, албатта.

Даврон НУРМАТОВ.



Вьетнамлик киносанъаткорлар ҳам шахримизда ўтказиладиган ҳар бир фестивалда фаол қатнашишади. Нгуен Туэт Нгуань (чапда) ҳам бундай анжуманларда қатнашиб, ўз муҳлислари савфиши келгайтирган. У иратган образлар чиндан ҳам маҳорат билан ижро этилган.

Корея Халқ Демократик Республикаси кино устадари иратётган фильмлар катта доврў қозонмоқда. Ундан суратда тасвирланган режиссёр Лим Чхан Вон (чапда) ва артист Хон Хи бундан аввал Тошкентда ўтказилган халқаро фестивалга келишган эди.

Лев Глауберзон суратлари.

ОСИЁ КИНОСИ



Улар фестивалда қатнашади АЙТМАТОВНИНГ НАЗАРИ ТУШГАН

ҚИРГИЗИСТОН санъаткорлари ўзлари яратган асарларда — хоҳ у роман, хоҳ саҳна асари, хоҳ фильм бўлсин — кескин сюжет, кутилмаган воқеаларга бой, мантин қучли, миллий руҳдаги асарлар яратиб келишади. Хусусан бу сўзларимиз кирғиз киносига тўла тааллуқлидир.

Қирғизистон кино усталарига асримизнинг улкан сўз устаси Чингиз Айтматов етакчилиқ қилган йиллари у икки-уч поғона юқори кўтарилди. Бунда Айтматов асарлари ҳам ўз вазифасини бажарди албатта. Лекин Толомуш Оеве, Суйменкул Чўнморов, Болот Бейшеналиев, Наталья Аринболов ва йўналишига сўнги нуқтани қўйган асарлар. «Ўйанда» фильми асиримизнинг шундай асаридир. «Ўйанда» фильми асиримизнинг шундай асаридир. «Ўйанда» фильми асиримизнинг шундай асаридир.

Хозирги шароитда санъатга назар ташлаётган, пул ҳоқимлиғи, даврининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш таъини ижод асалини ҳам жуда эсанкратиб қўйганини сезсиз. Бир пайтлар мўъжиза деб макталган кирғиз киноси 60—70-йилларда Венеция, Краков, Лейпциг, Локарно каби нуфузли киноанжуманларда бarchаки нафтузи этган эди. Уша йиллари яратилган «Ис-сикўлнинг алвос лолалари», «Чингиз-но кино аялоди», «Биринчи муаллим», «Жўра» каби фильмлар тилга тушган эди.

Бугун эса киночилар ҳам давлат қаромидан чиқиб, ўзлари мустақил фирма, студиялар ташкил этишди. Улар олдиде турган биринчи гадаги вазифа маблағ бериб турувчи хоний топил, сўнг ижодий режаларга кўл уришдан иборат. Шундай мушкул бир шароитда кирғиз ижодкорлари ишлаш, фаолият кўрсатишининг янги йўлла-

ларини излаб топмоқдалар. Кино санъатининг таъини намояндалари Толомуш Оеве («Болалигимиз осмон», «Евуз», «Оқ йўлбар аялоди») боллар ва ўсимлар учун фильмлар ишлаб чиқарувчи «Келажак» студиясини, Болот Шамшиев («Исикўлнинг алвос лолалари», «Оқ кема», «Бўри уяси») «Саламатлик» кинофирмасини, Мелис Убукуев «Мадор» ижодий ишлаб чиқариш бirlашмасини тuzдилар.

XI Тошкент кинофестивали экранига режиссёр Ортиқ Суяндуконинг «Ўйанда» фильми тасвир этилди. У «Қирғизфильм»нинг шу пайтгача ишлаб келинган эски тартиб ва йўналишига сўнги нуқтани қўйган асаридир. «Ўйанда» фильми эзувчи тугузга мослашишга мажбур бўлаётганларга ачинибдек туюлади. Азада айиб-айиб бўлайдиган йиғичи аёл ўз бурчинин тўла адо этиши керак. Бироқ бир сафар у бу ишни бажаролмайди. Ахир, гўянда — йиғичи аялининг ҳаётини бербод этган шу марҳум Собир эмасми! Тўнда мурда теласида туриб йиғилмайди. Чунки Собир айиб йиғлаш учун ишлатиладиган сўзларга муносиб яхши инсон эмас эди...

— Фильмдаги асосий ролларни Миранда Далбова, Шойиргул Қасмалиева, Думан Бойтабатов ижро этишган. Фестиваль фильмлари орасида кирғиз қардошларимиз яратган ушбу фильм ҳам ўзига хос ўрин эгаллашга имомини эсим, Умуман айтганда, кирғиз кино усталари ўз анъаналарига содиқ қолганларини ҳали кўп бора нсбот эътидор.

СУРАТДА: «Янги аёл» фильмининг лавда.

Эл хизматида ТАШАККУР

РЎЗҒОРДА муҳим аҳамиятга эга бўлиши совуттичимиз иттифоқо бузилиб қолди. Оббо, энди нима қилиш керак, ахир саратон ақинлашмоқда. Бунинг керакли мосламалар топиларининг, нархи баланд эмаслигини деган ўйда Шайхонтоҳур раённинг совуттиги, чаёнтоғич, кир топил каби рўзгор буюмларини тузаётувчи «Рем-бютехника»га қарашли устанонага йўл олдин (шундоқияна «Ганга» дўконини ёнида). Ўш устида ўтирган ходимларига мурожаат қилсам, улар:

— Хизматингизга тайёризм, отахон. Турар жойингизни айтинг, бориб совуттичингизни олиб келамиз, — дейишди.

Орадан бир неча кун ўтгандан сўнг созланган совуттичини уйга олиб келиб, ишлатиб кетишди. Бир ҳафтадан сўнг устанонанинг ишбилармонлари Иброҳим Абдурахмонов (пайвандловчи) билан Обиджон Самқов (тузатувчи) уйимизга келиб, совуттичининг иш сифатини обдон текширишди. Устанинг сўзига ва берган ҳужжатини та қараганда устанона совуттичида олти ой чамаси қаролат берар экан.

— Раҳмат, — дедим уларга миннатдорчилик билдириб. — Кир ювчи машинасини ҳам бор эди. Вақтларингиз борми? — деб сўрадим.

— Ҳе, қизик экан-сиз-у, — дейишди улар. — Вақтини фақат шунақа ишларга акратилган. Ҳаш-паш дегунча, уни ҳам созлаб беришди. Шундан бери онасининг оғизлари қўлоқларида уста болаларини роса дуо қилди.

Зиқрилди ЭҒАМБЕРДИЕВ, фанлари номзоди.

ТЕМИР ЙЎЛИМИЗ ТАРИХИ

ЎРТА Осиё темир йўли ўзининг шонли тарихига эга. Унинг босиб ўтган кўп йиллик йўли ҳақида ҳикоя қилувчи талайгина тарихий ҳужжат, суретлар тўплаган. Бу қобол материаллар айдидеда Тошкент темир йўли техникаси музейининг асосий экспонатлари бўлиб қолди.

Музейда бўлган темир йўли тарихининг энг муҳим тараққийети боқиқилари билан яқиндан танишади. Ўз вақтида кенг фойдаланидиган паровоз ва тепловозлардан айрымлари «жонли» экспонат сифатида қўйилган.

Музей залларининг алданган томошабини кўз ўнгига совиб Иттифоқнинг турли бурчакларидан олиб келинган турли қизиларин «ас-далин» экспонатлар ҳам жонланади. Иқинда музей экспонатини янги экспонатлар билан бойиди. Айниқса, Ўрта Осиёнинг Европа билан темир йўл орқали боғлиқлигини тарихига довр материаллар эълборини ўзига тоғтади. Айром АКВАРОВ.



МАЪЛУМОТЛАРГА қараганда, бизда ўртача 70 йилга етар...

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз, Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз...

Ирсоний умр маъноси Ҳазратден тўғри тушуниб, бутун ақл...

жамоа, миллат ва жаҳиёт ҳаётидан ажратиб олиб, мулоҳаза юри...

риланг умрғина ҳақиқатан ҳам кадрли ва маънодор бўлади.

юксак мақсад-муддаосига тириклигида етолмай оламдан ўтса-да...



Хиромини кўриб товуслар боғларда рашидин,

Чидолмай эрта-ю кеч, бу сабабдин оху афгонда.

УМРНИНГ МАЪНОСИ НИМАДА?

Шажсий фикр

Илмий ахлоқ нуқтаи-назаридан олиб қараганда, ҳақиқий инсон умрининг маъноси ҳозирги даврда...

балки тузатишга, барбод қилиш эмас, бунёд этишга даъват қилинган.

Содиқ АЛИМОВ, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

ВАЪДА ВАФОСИ БИЛАН

ЧИЛОНЗОР районидagi Мирзакалон Исмомиллий номидаги 138-ўрта мактаб муаллим ва ўқувчилари кўни кеча оталиқ ташкилотларидан ажойиб совға олдилар.

МУТОЛАА ҚИЛИШДА АСҚОТАДИ

«НУР» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан «Муъжиз тиббий лугат» номи билан русча-узбекча тиббий атмавлар лугати чоп этилди.

БИЛИМЛАР ҚАСРИ

УРТА Осийда тўнғич олий ўқув юрти ҳисобланган Тошкент Давлат университетини чинкакам илм-фан марказига айланди.

АФРИКА КИНОСИ



Африка қитъасида жойлашган давлатларда ҳам кино санъати тораб ривожланиб бормоқда.

гурӯх санъаткорлари тасвирланган. Улар Мозамбик, Танзания, Гвинея давлатларида фильмлар яратилганда жонбозлик кўрсатган санъаткорлардир.

СЕНЕГАЛЛИК адиб ва кино устаси Сембен Усмоннинг номи нафақат Африка қитъасида, балки жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ҳам машҳурдир.

ОТА БЎЛИШ БАХТИ



давом эттиролмади, 15 ёшдан меҳнат қила бошлади. Кўплай ҳунарларнинг тўғриси 36 хил касбнинг бошини тут...

бирга «Замбизанга» бадий фильмини яратди. 1963 йилда Мали ҳукумати Сембен Усмонга тарихий-ҳужжатли фильм учун...

Шундан кейин «Негр қиз» номли тўла метражли бадий фильмини сурагча олдим.

«Почтадан келган пул» картинаси Сембен Усмон ижодидаги муҳим фильмлардан саналади.

«Кадзу» журналини чоп этди. Бу улоф тилидаги яқин ягона нашрдир.

Улоф тили Сенегалнинг давлат тили бўлиши керак, — деган эди бир вақтлар Сембен Усмон.

Тоҳир МАҲКАМОВ тайёрлаган.



ҚАДАМИНГИЗГА ҲАСАНОТ, АЗИЗ САНЪАТКОРЛАР!

ЕТМИШИНЧИ йилларда мамлакатимиз кинотеатрларда «Максени олтинлар» фильм муваффақияти билан кўрсатилди.

бошқалардан ажралиб туриши унга ёрқин, бахтли келажак ваъда бериб турарди.

роқ этган фильмларга қарши чиқадилар. Дэвид Лин билан ҳамкорликни давом эттириб, 1965 йили жаҳон кино тарихига кирган «Доктор Живаго» (В. Пастернакнинг шу номли романи асосида) картинасида бош ролини ижро этди.

МИСРЛИК УМАР ШАРИФ



Унинг ҳақиқий исми шарифи Мишель Шалуб бўлиб, 1932 йили топармон-тутармон сармоюнчи оиласида дунёга келди.

имконият етарли эди. Лекин, «Колумбия пикчерс» студиясининг таклифи унга яна ҳам ёрқин уфқлар сари йўл очгандек бўлди.

Халқимиз одатига кўра биз азия меҳмонларини ана шундай ион ва туз билан кутиб оламиз.

Содиқ Маҳкамов суратлари.

МУОЛАЖА КУЧАЙМОҚДА

КЕИНИГИ вақтларда пойтахтдаги Шайхонтоҳур районидagi аҳолига хизмат кўрсатган 39-поликлиника тиббиётчилардан жуда кўпчилиги мамнун бўлмоқда.

«Бизнинг ҳудуд катта масофани эгаллайди. У 12 участкага бўлинган.

«Домо ҳаракатдаги одамга муолажанинг кераги йўқ» деб бемиз айтмаган буюв алома Ибн Сино.

Бир сўз билан айтганда, поликлиника шифокорлари аҳолининг соғ ва саломат бўлиши учун виждонан вазифаларини бажармоқдалар.

Суннат НУЛДОШ.

ЁРҚИН БЎЁҚЛАРДА

ЛОТИН Америкаси қитъасида кинематограф жуда эрта — XIX асрнинг охирида пайдо бўлди. Яъни, Аргентина ва Кубада 1897 йили, Бразилида эса 1903 йил илк кинолар яратилган давр ҳисобланади. Биз қуйида Куба киносининг тарихи ҳақида қисқача ҳикоя қилмоқчимиз.

1897 йили француз Габриэль Вэйра Гаванада фильмлар намоишини ўтказган ва ўзи ҳам Куба тупроғида илк ҳужжатли денталарни суратга олган эди. Кубанинг биринчи тўла метражли фильмининг эса 1913 йили режиссёр Диас Кесада яратган бўлиб, унда машҳур бозори Мануэль Гарсиа ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. 1937 йили эса Э. Капарросанинг «Қизил илон» деб номланган фильми билан Кубада овозли кинематографга асос солинади. Шунинг ҳам алоҳида эслатиб ўтиш кераки, Куба илгиритдан ўзининг ажойиб табиати билан Голливуд ва Мексиканинг машҳур режиссёрларини оҳанрабодек тортган. Ва улар Куба тупроғида кўплаб экзотик фильмлар яратганлар.

Умуман, 1959 йилдаги инқилобга қадар Кубада ҳақиқий санъат даражасидаги кинематографнинг бўлмаганлигини таъкидласак хато қилмаган бўламиз. Инқилобий ҳаракатлар авжига чиққан пайтда Кубада кўплаб киноқўллар ташкил этилиб, улар Куба миллий киносини яратишга ташна бўлган эдилар. Бу ижодкорларни ўзига бирлаштиради. 1959 йил инқилобдан сўнг Куба кинематография санъати ва санъати институти ташкил этилади. Ушша пайтдан бери институт фильмларни яратиш ҳамда кинопродюксия билан шуғулланади. Илк оғир давларда Куба киносининг ҳайтадан оёққа туришига турли мамлакатларнинг Чезаре Дзаваттини, Йорис Ивнес, Роман Кармен, Курт Метцин, Арман Гатти, Михаил Калатозов, Ирис Маржер, Владимир Чех, Анес Варда, Теодор Кристенсен, Оскар Торрес каби тараққийларвар кино ижодкорлари катта ёрдам берилган.

Режиссёр Томас Алеванинг «Инқилоб ҳақида ҳикоялар» (1960) ва «Ўн икки сўз» (1962) фильмлари, «Люсия» (режиссёр Умберто Солас), Хорхе Фраганинг «Генерал Хосе одиссеяси», Мануэл Гомеснинг «Сўз сизга берилди» каби кино асарларининг овозли оралигининг эг сара фильмлари сирасига қўшиш мумкин. Уларда кишилар тақдирлари, инқилобдан кейинги ҳаёт ҳамда ақиллиқчиликчиликларга қарши кураш мавзулари ёрқин бўёқларда ҳақиқий ифода этилади.

Дарҳақиқат, Кубанинг деярли барча режиссёрлари ҳужжатли кино мактабини ўтаганлар. Шунинг учун ҳам баъдий ва ҳужжатли кинонинг ўзига хос томонларини моҳирлик билан уйғунлаштиришда уларга тегиш келадиганлар топилмайдилар, десак муболаға бўлмайди. Кубада ишлаган кино санъати намуналарига чуқур назар ташласак ҳужжатли фильмнинг услуби баъдий асарга таясир қилиниши, баъдийлигининг эса ўз навбатида хроникал фильмда фактларнинг изчиллигини таъминлашининг гувоҳи бўламиз.

Дилмурод НАЗАРОВ тайёрлади.

ЧЎҚҚИГА ОЛИБ ЧИҚДИ

ТОМАС Гутьеррес Алеа номи Куба кинематографиясида етакчи ўрнини эгаллайди. У 30 дан ортиқ фильмларнинг муаллифидир. Шулардан 10 таси баъдий фильмлардир. Бундан ташқари у фильмларни сценарийлар ёзган, ҳужжатли фильмларни суратга туширган. 1982 йилда унинг «Томасовин диалектиксис» номли китоби чиққан. Унда Алеа Куба киносининг хусусиятлари тўғрисида қизиқарли фикрларни юритган, бу китобда санъатнинг томошабинларнинг фуқаролик савиясини оширишдаги аҳамияти ҳақида мувозарали ташуучилар талқин этилган.

Собиқ советлар даврида унинг «Елгизликка маҳкум этилганлар», «Маълум маънода», «Қолоқлик ҳақида хотиралар», «Сўнги нонушта» каби фильмлари мамлакатимиз экранларида намоиш қилинган. 1988 йилда суратга олинган «Қолоқлик ҳақида хотиралар» номли фильми бир неча халқаро кинофестивалларда иштирок этган. Бу фильм 1959 йилдаги Куба инқилобига буржуазия эзилмас дунёқараши билан талқин этиш ифодаланган. Кинонинг бош қаҳрамони инқилобга монелик билан қарамаса ҳам мамлакатда бўлган катта ижтимоий ўзгаришлардан кейин у жамиятда ўз ўрнини топа олмайдилар.

«Маълум маънода» фильмидаги бош ролда санъаткорнинг рафиқаси актриса Мирта Ибарра ўйнаб, Лотин Америкаси киносининг V Гавана фестивалида совринга тақдим этилади.

1988 йилда Гутьеррес Алеванинг узоқ йиллик орзуси амалга ошди — колумбийлик машҳур ёзувчи Габриэль Гарсиа Маркеснинг «Хивобдан мактуб» асари асосида фильм яратишга муваффақ бўлди. Унинг ижодида кутилмаган ва юқори чўққига олиб чиққан бу фильм шеърини билан сугорилган, санъатнинг ҳар бир соҳаси учун абадий ҳисобланган, инсон руҳиятига мурожаат қилинган муҳаббат куйидир.

Ҳасан СУЛТОН.



ҚАДАМИНГИЗГА ҲАСАНОТ, АЗИЗ САНЪАТКОРЛАР!

ЛОТИН АМЕРИКАСИ КИНОСИ



ИЖТИМОЙ КУРАШГА ЧОРЛАЙДИЛАР

Ўқин кунларгача телетомошабинлар учун Лотин Америкаси санъати бутунлай очилмаган қўриқ эди. Бу мамлакатларда адабиёт, санъатнинг барча турлари ўз тарихига эга. Кинематография эса Европада илк бор кашф қилингандаёқ бу мамлакатларда пайдо бўлган. Аргентина ва Кубада 1897 йилдаёқ, Бразилида 1903 йилда дастлабки суратга олишлар бошланган. 60-йилларнинг бошларида қадар хатто Европада ҳам Лотин Америкаси киноси номаълум нарса эди.

Лотин Америкаси киносини ўрганган мутахассислар уни маълум бир умумий қўриқда қилиб баҳолаб олмайдилар. Бу ерда ҳинду, европача ва негр ирғиқа мансуб тарихий тақдирлар туташиб кетган. Катта-кичик давлатлар, халқлар ривожини ҳам бир маромда эмас. Ҳар бир кинематография ўз мамлакатининг хусусиятига ва маданий савиясига кўра ривожланади.

Бразилия, Аргентина, Мексика, Венецуэла, Колумбия, Боливия каби мамлакатларда баъдий кинематография 30-йиллардан кўрақ отгани учун кейинги ўн йилликларда жаҳондаги халқаро киноиндустанларда уларнинг маъсулларга тез-тез кўзга ташлана бошлади. Бразилиялик Нельсон Перейра Дос Сантос ва Глаубер Рошай, аргентиналик Фер-

нандо Соланос ва Октавио Хетино, боливиялик Хорхе Санхинес, мексикалик Серхио Ольхович каби режиссёрларнинг кинолари мухлисларга тағдил бошланди. 70-йилларнинг охирида Мексика, Бразилия, Аргентина каби мамлакатларда йил давомида 70—80 тагача тўлиқ метражли баъдий фильмлар яратила бошланди. Бу мамлакатлар ижодкорларига баҳо берадиган бўлса, санъаткорлар ўз асарлари билан мухлислари энг аввало ижтимоий ҳақиқат учун курашга чорлайдилар. Телетомошабинлар учун «Канисак Нааура» ёки ҳалиям намоишии телевизорда давом этаётган «Бойлар ҳам йиғлайди» телестановкалари ҳам бунга мисол бўла олади.

Кейинги йилларда лотин америкалик киносанъаткорлар халқаро Тошкент кинофестивалида тобора фаол қатнашмоқдалар. Бу галги XI Тошкент халқаро кинофестивалида ҳам улар қатнашиб, киномухлислари хушнуд қилишлари ишонимиз.

Суннат АЗЛОРОВ.

СУРАТДА: мексикалик санъаткорлар ишлаган ва бош ролларда Педро Армандариз, Хорхе Руссек, Даниэль Гименезлар суратга тушган «Бандитлар» номли фильмдан лавҳа.

КўП кино мухлислари «Бойлар ҳам йиғлайди» фильмидаги бош ролнинг ижроси Вероника Кастронинг ҳам XI Тошкент халқаро кинофестивалига тақлиф этилганидан хабардорлар. Вероника Кастронинг шахризмизга келиши ҳақида ҳали узил-кесил бир жуъли гап айтиш қийин-ку, аммо фестивалда Мексика киноси анъанага кўра қатнашади. Жаҳон кино бозорида асталик билан ўрнини топаётган Мексика киноси қандай қилиб оёққа турди? Лотин Америкасида мексикаликлар киносинибатан кўхна санъатдор. XVIII асрнинг охиридаёқ Сальвадор

ЕТАКЧИ ЎРИНДА

Тоскано деган шахс биринчи мазарали фильми суратга олган бўлса, 1916 йилга келиб «Мудхис маррурик» номли баъдий фильм яратилган. Ҳозир Мексикада йилга 50 тадан 100 тагача фильм яратилади. У ерда кино санъати икки оқим йўналишида

ривожланади: бири давлат кино санъати, иккинчиси ижодкор маслакдошлар томонидан кичик гуруҳлар фаолияти билан амалга ошмоқда. Кино санъат мамлакат иқтисодида етакчи ўринларда бирини эгаллаган. Мамлакатдаги 2 мингдан ортиқ кинотеатрнинг мавжудлиги ҳам бунинг далилидир. Тошкентда бўлиб ўтган кино анжуманларда мексикалик Серхио Ольхович, Сусана Досамантас, Патрисиа Аспилага, Элизабет Агилар Гонсалеслар ташриф буюришган.

Ҳайдар УМАРОВ.

ТАКЛИФИНИ ҚАБУЛ ЭТГАН

У фақат ўзи учун эмас, балки инсоният учун ҳам жиддий ижтимоий, эҳтиол тарихий асер устида иш бошлашга аҳд қилган эди. Бу ёқда тирикчилик... Шунда у шахсий енгил машинасини сотишга қарор қилди. Бари пулни хотинига берар экан навбатдаги асарини ёзиб тугатмагунча уни бевозта қилмаслигини илтимос қилди. Натияжада жаҳондаги ҳамма китобхоналарнинг қабзини забт этган «Танҳоликнинг юз йили» номли роман бунёд бўлди.

Бу роман бўйича кейинчалик АКШ киносанъаткорлари тўлиқ метражли баъдий фильм яратдилар.

Халқаро Нобель мукофотининг лауреати Габриэль Гарсиа Маркеснинг XI Тошкент халқаро кинофестивалига келиши ҳали номаълум бўлса ҳам у бу таклифини бажондил қабул этган.

Собир ЯЎЛЧИЕВ.



СУРАТДА: жаҳонга танилган мексикалик кино юлдузи Элизабет Агилар Гонсалес ўзбек мухлислари даърасида.

ТИЖОРАТ ҲАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

15 НОЯБРГАЧА
АБОНЕНТЛАРГА СУВ ҚУВУР
КАНАЛИЗАЦИЯ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ
1992—1993 ЙИЛЛАР ҚИШ МАВСУМИДА
ФОИДАЛАНИШГА ТАЙЕРЛАБ ҚУГИШНИ

ТАВСИЯ ЭТАДИ БУНИНГ УЧУН ҚУИДАГИЛАРНИ БАЖАРИШ ЛОЗИМ:

Сув қувур ва канализацияни ҳар эҳтиомолга қарши таъмирлаш;
вақтинча мавсумий сув тақсимлагичларни ёпиб қўйиш;
очиқ ётган сув қувурлари, сув сарфини ҳисобга олувчи узеллар ва сув тақсимлагичларни иситиб қўйиш.

Қиш шароитида фойдаланишга тайёрланмаган сув қувур-канализация хўжаликларини қўшимча огоҳлантиришиз шаҳар сув тармоғидан узиб қўйилади.

Бир йўла сув ҳақини ўз вақтида тўлаш лозимлигини эслатамиз.

Сув қувурдан фойдаланганлик учун қўшимча Қ—01—04—1989/5 прейскурант ва канализация хизматларидан фойдаланганлик учун Қ—02—04—1989/5 прейскурант билан янги хизмат ҳақи жорий этилди.

Сув қувур хизматлари, 1 куб метр учун — 50 тийин.

Канализация хизматлари, 1 куб метр учун — 30 тийин.

Янги нархлар 1992 йил 1 октябрдан бошлаб кучга кирди.

ҲОВЛИ СУВ ҚУВУРЛАРИНИ ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЕРЛАШ

Ҳовли сув қувурларининг тик қувурларини қиш мавсумига иситиётганда қувурнинг ташқи сатҳи — тик қувур ва иситувчи материал оралиғида 40-60 миллиметр бўшлиқ қолиши лозим.

Майдаланган сомон, қуруқ қишқир, қуриган ўт ва бошқа иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ўраш материалли бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иситиш материалнинг қалинлиги қамида 30-35 сантиметр бўлиши керак.

Сув тик қувурини ўраш учун металл тўрлар, қоп, қалин қоғоз ва бошқалар қўлланилади.

Водопровод тик қувури ўралганидан сўнг у ёғоч билан ўраб чиқилади ва бўш қолган оралиққа қишқир тўлдирилади.

Қўпича сантехник сальниги ишдан чиқиб, сув иссиқлики вақтовчи материалга оқиб кетади. Шунинг учун вентиляция тагида тунука ёки шифер бўлиши, уни ёғоч қопламдан ташқарига чиқариб, бирмунча нишаблик билан ўрнатиш лозим. Филовнинг усти очилиб, ёпиладиган қопқоқ билан ёпилиб, вентиль маховиги учун туйиқ қолдирилади.

Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

1993 ЙИЛДА
кундузги ва кечки бўлимларга ўқишга
кирувчилар учун

ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

9 ва 11 йиллик маълумотга эга бўлган шахслар, шунингдек, мактабларнинг 9- ва 11-синфларида ўқитган ўқувчилар қабул қилинади.

Машғулотлар 1992 йил 1 ноябрдан бошланади. Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топишдирилди: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (ўқувчилар учун мактабда ўқитганлиги тўғрисида маълумотнома).

Ҳужжатлар ҳар куни кеч соат 16.00 гача техникумнинг эски биносига, 2-қаватда қабул қилинади. Телефон: 33-13-75.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 12-уй (2, 3, 13, 28-трамвайларнинг «Сув спортн шарий» бекати; 3, 12, 21, 58, 68, 26, 37, 52, 18, 60, 97-автобусларнинг «Марказий хибон» бекати).

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

қуввати 0,6 квт. дан 30 квт. гача бўлган асинхрон электр двигателлари сотиш, шунингдек, уларни таъмирлаш ва қайта ўрнатилган учун

БҮЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртмаларнинг сифатли бажарилишига кафолат берамиз. Хизмат ҳақи ҳар қандай шаклда тўлашни мумкин.

ТЕЛЕФОНЛАР 33-33-94, 32-57-69.
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

Тошкент алоқа коллежини жамоаси шу коллеж директори Э. И. Нуриддиновга уқаси
Анбар Икболевич НУРИДДИНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тошкентсавдо» концернин жамоаси «Тошкентсавдо» савдо-ишлаб чиқарув концернининг саноат бўлими бошлиғи Ш. И. Юсуповга уқаси
Фатхитдин Носирович вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



* Ҳар тўғрида

Флоренция Италиянинг марказидаги Арно дарёси соҳилида жойлашган шаҳардир. У Флоренция провинцияси ва Тоскана вилоятининг муҳим иттифоқий, сийсий, маданий ва маъмурий марказидир.

СУРАТДА: Флоренция меъморийлиги ноёб обидаси.

П. АРИЖ. Суратда Версал боғидаги XVII—XVIII аср француз классицизмига хос истроҳат саройи ансамблини кўриш.

Муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.



Тошкент оқшоми

МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кунни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79;
эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалларини бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаатчилиги концернининг босмаханаси.